



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 14 » январь

№ 16

Toshkent sh.

### Тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш механизмларини жорий этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури ижроси юзасидан, шунингдек, тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш механизмларини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қилади:

#### 1. Белгилансинки:

2022 йил 1 январдан бошлаб тиббиёт ташкилотларини ихтиёрий аккредитациядан ўтказиш механизми жорий этилади;

Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш ва соғликни сақлаш соҳасида эксперктларни сертификатлаш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи Тиббиёт ташкилотларини ихтиёрий аккредитациядан ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансин:

тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш талаблари ва шартлари;

тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш тартиби;

тиббиёт ташкилотларининг аккредитация соҳасини кенгайтириш ва қисқартириш тартиби;

аккредитациядан ўтказилган тиббиёт ташкилотлари фаолияти устидан инспекция назорати;

аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома амал қилишини тўхтатиб туриш (тиклаш), тугатиш тартиби;

аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани қайта расмийлаштириш тартиби;

аккредитацияловчи органнинг аккредитация соҳасидаги хизматларига ҳақ тўлаш тартиби;

аккредитация ёки инспекция назорати бўйича қабул қилинган қарор юзасидан апелляцияларни кўриб чиқиш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2021 йил 1 ноябрга қадар:

а) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

тиббиёт ташкилотларини ихтиёрий аккредитациядан ўтказиш стандартларини ва уларни қўллаш тартибини;

тиббиёт ташкилотларини ихтиёрий аккредитациядан ўтказиш бўйича мустақил эксперtlарни жалб қилиш ва ҳақ тўлаш тартибини тасдиқласин;

б) тасдиқланган тиббий ихтисослик турлари номенклатурасига мувофиқ халқаро талабларни инобатга олган ҳолда, мавжуд диагностика ва даволаш стандартларини қайта кўриб чиқсин ва бутласин, шунингдек, ушбу стандартлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтларида эълон қилиб борилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2022 йил 1 январга қадар:

а) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

аккредитациядан ўтказилган тиббиёт ташкилотларининг электрон базасини шакллантириш орқали тиббиёт ташкилотлари аккредитацияси ҳамда аккредитация талаблари ва шартларига риоя қилиниши бўйича ўтказиладиган инспекция назорати натижаларини рақамли қайта ишлайдиган;

тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказадиган мустақил эксперtlар ва техник эксперtlар реестрини сақловчи;

“Соғлиқни сақлашни рақамлаштириш” ахборот комплекс тизимини яратиш ва ривожлантириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали, ягона йифим ва давлат божлари ҳисботи биллинг тизими, шунингдек, электрон соғлиқни сақлаш ахборот тизимларига интеграцияни назарда тутувчи тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимини ишлаб чиқсин ҳамда жорий этсин;

б) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда тиббиёт ташкилотларига давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали аккредитациядан ўтказишида давлат хизматларидан фойдаланиш бўйича зарур шароитларни яратсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва кейинги кузатувининг буюртмачиси этиб белгилансин.

6. Ушбу қарорда назарда тутилган тиббиёт ташкилотларини аккредитациясидан ўтказиш стандартларини, тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимини ишлаб чиқиш, кейинги кузатувини таъминлаш

ва ривожлантириш Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси, вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро молия институтларининг кредитлари ва грантлари, давлат-хусусий шериклик, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “14” январдаги 16-сон қарорига  
илова

**Тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш  
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Регламент Тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш бўйича ваколатли давлат органи (кейинги ўринларда – аккредитацияловчи орган) ҳисобланади.

3. Ушбу Регламентда қуидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**аккредитация комиссияси** (кейинги ўринларда – Комиссия) – ихтиёрий аккредитация ва инспекция назорати бўйича ишлар натижаларини кўриб чиқиш ҳамда ушбу Регламентда назарда тутилган тегишли қарорларни қабул қилиш асосий вазифаси ҳисобланган эксперталар, жалб қилинадиган техник эксперталар, шу жумладан, баҳолашда иштирок этмаган халқаро эксперталардан иборат аккредитацияловчи орган ҳузурида ташкил этиладиган комиссия;

**аккредитация обьекти** – тиббиёт ташкилоти;

**аккредитация соҳаси** – тиббиёт ташкилотининг фаолият соҳаси, кўрсатиладиган тиббий ёрдам тури ва ҳажми, шунингдек, тиббиёт ташкилоти тури;

**аппеляция комиссияси** – аккредитация комиссиясининг қарорлари бўйича аппеляцияларни кўриб чиқиш асосий вазифаси ҳисобланган, тиббиёт ташкилотини ташки комплекс баҳолашда иштирок этмаган ҳамда аккредитация комиссияси таркибида бўлмаган эксперталар, жалб қилинадиган техник эксперталар, шу жумладан, халқаро эксперталардан иборат аккредитацияловчи орган томонидан ташкил этиладиган комиссия;

**ариза берувчи** – ихтиёрий аккредитациядан ўтказиш учун тегишли ариза билан аккредитацияловчи органга мурожаат қилган юридик шахс ёки у томонидан белгиланган тартибда ваколат берилган шахс;

**баҳолаш** – аккредитацияловчи орган томонидан тиббиёт ташкилотини аккредитациядан ўтказиш жараёни;

**инспекция назорати** – аккредитацияловчи орган томонидан аккредитацияланган тиббиёт ташкилоти билан келишилган ҳолда жойнинг ўзида, ихтиёрий аккредитация даврида белгиланган талабларга мувофиқликни тасдиқлаш учун олиб бориладиган мажбурий даврий ташки комплекс баҳолаш тартиб-таомили;

**ишчи орган** – тиббиёт ташкилотини аккредитациядан ўтказиш жараёнида иштирок этадиган, шунингдек, аккредитациялаш билан боғлиқ зарур хужжатларни расмийлаштирадиган ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан белгиланадиган Соғлиқни сақлаш вазирлигининг таркибий бўлинмаси;

**режадан ташқари инспекция назорати** – қонунбузарликларга йўл қўйилганлигини тасдиқлаш ёки аниқлик киритиш мақсадида тиббиёт ташкилотининг хужжатларини таҳлил қилиш ва (ёки) тиббиёт ташкилотига ташриф буюриш орқали ўтказиладиган баҳолаш;

**ташқи комплекс баҳолаш** – эксперт гуруҳи томонидан тиббиёт ташкилотида унинг фаолиятини ихтиёрий аккредитациялаш стандартларига мувофиқлиги юзасидан ўтказиладиган баҳолаш тартиб-таомили;

**техник эксперт** – сўралган соҳа йўналишига мувофиқ техник эксперт ихтисослиги бўйича олий, ўрта ва қўшимча касбий маълумотга эга бўлган, аккредитацияловчи орган томонидан аккредитация обьектини ташқи комплекс баҳолаш ва инспекция назоратини ўтказиш учун жалб қилинадиган ва тайинланадиган жисмоний шахс;

**тиббиёт ташкилоти** – қонун хужжатлари талабларига мувофиқ тиббий фаолиятни амалга ошириш хуқуқига эга бўлган юридик шахс;

**тиббиёт ташкилотининг тури** – куну-тун кузатувга эҳтиёжи бўлмаган беморларга даволаш-диагностика ёрдами кўрсатиладиган амбулатор ҳамда куну-тун кузатувга эҳтиёжи бўлган беморларга даволаш-диагностика ёрдами кўрсатиладиган стационар ташкилот;

**тиббиёт ташкилотини аккредитациядан ўтказиш стандартлари** – ҳалқаро амалиёт асосида ишлаб чиқилган ва ваколатли орган томонидан тасдиқланган, тиббиёт ташкилотининг фаолиятига тегишли бўлган, тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган умумий принциплар, тавсифлар, талаблар ва усуллар белгилаб қўйиладиган меъёрий хужжатлар;

**тиббиёт ташкилотини ихтиёрий аккредитациядан ўтказиш** – аккредитацияловчи орган томонидан тиббиёт ташкилотининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги аккредитация стандартлари талабларига мослигини расман тан олиш;

**тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида аккредитациядан ўтганлик ҳақида гувоҳнома** – тиббиёт ташкилотининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги аккредитация стандартлари асосида сифатли тиббий хизматларни кўрсатишни тасдиқловчи хужжат;

**тиббий ёрдам ҳажми** – тиббий ихтисослик тури доирасида кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг муайян қисми;

**трейсер** – bemorغا тиббий ёрдам кўрсатишнинг турли босқичларини (бемор маршрутини) мақсадга йўналтирилган тарзда кузатиш ёки тизимнинг ўзаро боғлиқ жараёнларини баҳолаш бўлиб, унга тиббиёт ташкилотининг турли бўлинмалари ходимлари жалб этилади;

**Ўзини ўзи баҳолаш** – тиббиёт ташкилоти томонидан мустақил ёки мустақил экспертларни жалб қилган ҳолда ўтказиладиган тиббиёт ташкилотини аккредитациядан ўтказиш стандартларига мувофиқлигини баҳолаш тартибтаомили;

**эксперт** – тиббиёт ташкилотини аккредитациядан ўтказишида иштирок этиш хуқуқи учун ўрнатилган тартибда аттестациядан ўтган, тиббиёт ташкилотини (аккредитация объектини) мустақил ёки эксперт гурухи таркибидан ташқи комплекс баҳолаш учун аккредитациялови орган томонидан тайинланган шахс;

**эксперт гурухи** – тиббиёт ташкилотининг аккредитация стандартларига мувофиқлиги юзасидан ташқи комплекс баҳолашни ўтказиш учун жалб қилинадиган эксперталар ва техник эксперталар гурухи;

**эксперт гурухи раҳбари** – аккредитацияловчи орган томонидан зиммасига ташқи комплекс баҳолаш жараёнига раҳбарлик қилиш учун умумий масъулият юкланган ваколатли эксперт.

4. Аккредитация ихтиёрий бўлиб, аккредитация обьекти маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Аккредитацияловчи орган тиббиёт ташкилотини аккредитациядан ўтказиш бўйича комиссияни ташкил этади, шунингдек, аккредитациядан ўтган соғлиқни сақлаш ташкилотлари, эксперталар ва техник эксперталар реестрини шакллантиради.

6. Ишчи орган доимий асосда аккредитацияловчи органнинг расмий веб-сайтида:

аккредитациядан ўтган тиббиёт ташкилотлари реестри;

аккредитация талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан инспекция назорати натижалари;

тиббиёт ташкилотни аккредитациядан ўтказиш бўйича аттестациядан ўтган эксперталар ва техник эксперталар реестри нашр этилишини таъминлайди.

## **2-боб. Тиббиёт ташкилотларини аккредитация талаблари ва шартлари**

7. Қўйидагилар аккредитациянинг умумий талаблари ва шартлари ҳисобланади:

тиббий фаолиятни қонун ҳужжатларига қатъий риоя этган ҳолда амалга ошириш;

аккредитациядан ўтказиш учун ариза берувчининг ваколати ва баҳолашга белгиланган, тиббиёт ташкилотини аккредитациядан ўтказишни тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларига мажбурий риоя қилиш;

аккредитация обьектининг самарали фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган, уларга мулк хуқуқи ёки бошқа ашёвий хуқуқ (шу жумладан, ижара хуқуқи) асосида тегишли бўлган бино ва иншоотлар, ускуналар ва бошқа техник воситалар, шунингдек, тиббий техниканинг мавжудлиги;

жорий этилган ва амалдаги сифат менежменти тизимининг мавжудлиги ҳамда аккредитация обьекти фаолиятида унинг талабларига риоя этиш;

сўралган аккредитация соҳаси бўйича малакали ходимларнинг штатда мавжудлиги ва уларнинг ўзаро алмашинувчанлигини таъминлаш;

аккредитациянинг ариза берилган соҳасига мувофиқ техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида норматив ҳужжатларнинг мавжудлиги;

аккредитация обьекти томонидан аккредитацияловчи орган хизматлари ҳақининг тўланиши;

аккредитациядан ўтишда тиббиёт ташкилоти учун мажбурий бўлган айrim клиник, параклиник ва ёрдамчи функцияларини бажариш юзасидан бошқа тиббиёт ташкилотлари билан шартномаларнинг тузилганлиги;

белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган тиббий лабораториянинг ёки аккредитациядан ўтган тиббий лаборатория билан шартноманинг мавжудлиги.

### **3-боб. Тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш тартиби**

8. Тиббиёт ташкилотлари аккредитациядан ушбу Регламентга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ ўтказилади.

9. Тиббиёт ташкилотларини аккредитациялаш қўйидаги босқичлардан иборат:

ўзини ўзи баҳолаш ва баҳолаш натижаларини тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимиға киритиш;

жойнинг ўзида ташқи комплекс баҳолаш;  
инспекция назорати.

10. Аккредитацияловчи органга ариза беришдан олдин тиббиёт ташкилоти фаолиятининг аккредитация стандартларига мувофиқлик юзасидан ўзини ўзи баҳолайди.

11. Аккредитациядан ўтиш учун тиббиёт ташкилотлари аккредитацияловчи органга Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали, ариза берилган кунда белгиланган базавий ҳисоблаш микдорининг икки баравари микдорида тўлов тўланганлиги ҳақидаги квитанцияни илова қилган ҳолда, 2-иловага мувофиқ электрон шаклдаги аризани тақдим этади.

12. Ариза келиб тушгандан сўнг ишчи орган икки иш куни ичидаги ариза берувчини ариза рўйхатга олинганлиги ҳақида Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали хабардор қиласи ҳамда тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимиға кириш учун логин ва паролни, шунингдек, ўзини ўзи баҳолаш натижаларини кўриб чиқиши ва аккредитация стандартларида назарда тутилган ҳужжатлар экспертизасини ўтказиш ҳақида шартномани тақдим этади.

Ўзини ўзи баҳолаш натижаларини кўриб чиқиши ва ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловлар микдори

қонун хужжатларида белгиланган тартибда, тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг ҳажми ва ташкилий тузилмасидан келиб чиқсан ҳолда, аккредитациядан ўтказиш жараёнида кўрсатиладиган хизматлар қийматини хисоблаш орқали белгиланади.

Ўзини ўзи баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш ва аккредитация стандартларида назарда тутилган хужжатлар экспертизасини ўтказиш учун тўловлар миқдорини хисоблаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланади.

13. Ариза берувчи шартномага мувофиқ ўн иш куни ичida ўзини ўзи баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш ва хужжатлар экспертизаси нархининг 15 фойзидан кам бўлмаган миқдорини олдиндан тўлаши ҳамда аккредитация стандартларида назарда тутилган хужжатлар нусхаларини бириктирган ҳолда ўзини ўзи баҳолаш натижаларини тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимиға киритиши лозим.

Ўзини ўзи баҳолаш натижалари тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимиға киритилмаган ёки белгиланган муддатда олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда ариза бекор қилинади, киритилган аванс миқдори қайтарилмайди.

14. Ишчи орган ўн беш иш куни ичida ўзини ўзи баҳолаш натижаларини ва уларга бириктирилган, тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизими орқали келиб тушган хужжатларни уларнинг аккредитация стандартларига мувофиқлиги юзасидан ўрганади.

Ўзини ўзи баҳолаш натижалари ва уларга бириктирилган хужжатлар нусхаларининг мувофиқлиги ҳамда тўлиқлиги аниқланганда, ишчи орган Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП портал орқали ўзини ўзи баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш ва хужжатлар экспертизасини ўтказиш учун якуний тўловни амалга ошириш зарурлиги ҳақида аккредитация объектини хабардор қиласи.

Ариза берувчи ўзини ўзи баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш ва хужжатлар экспертизаси учун якуний тўловни амалга оширгандан сўнг ишчи орган ариза берувчига Давлат хизматлари марказлари ва ЯИДХП орқали умумий хизмат қийматининг 15 фойзидан кам бўлмаган миқдорини олдиндан тўлаш шарти билан, ташқи комплекс баҳолашни ўтказиш ҳақидаги электрон шартномани юборади.

Ариза берувчи томонидан тақдим этилган ўзини ўзи баҳолаш натижаларининг номувофиқлиги ва тўлиқ эмаслиги аниқланганда, ишчи орган Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали ариза берувчига бир ой муддатда қайта ишланган ўзини ўзи баҳолаш натижаларини тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимиға қайтадан киритиш зарурлигини маълум қиласи.

Қайта ишлангач, тузатилган ва тўлдирилган маълумотларни ариза берувчи тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимиға киритади.

Қайта ишланган ўзини ўзи баҳолаш натижалари белгиланган муддатда тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимиға киритилмаса, ариза бекор қилинади.

15. Ташқи комплекс баҳолашни ўтказиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловлар миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг ҳажми ва ташкилий тузилмасидан келиб чиқсан ҳолда, аккредитациядан ўтказиш жараёнида кўрсатиладиган хизматлар қийматини ҳисоблаш орқали белгиланади.

Ташқи комплекс баҳолашни ўтказиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловлар миқдорини ҳисоблаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланади.

16. Аккредитацияловчи орган ариза берувчи томонидан ташқи комплекс баҳолашни ўтказиш учун 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан тўловни амалга оширгандан сўнг уч иш куни давомида буйруқ билан тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказадиган мустақил эксперталар ва техник эксперталар реестридан раҳбарини кўрсатган ҳолда эксперталар гурухини тасдиқлайди.

Эксперталар гурухи ушбу Регламентга З-иловага мувофиқ шаклда тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимиға жойлаштириладиган тиббиёт ташкилотини ташқи комплекс баҳолаш дастурини тузади.

Эксперталар гурухи таркибига аккредитацияловчи орган мутахассислари ва йўналишлар бўйича тиббий мутахассислар, тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказишида қатнашиш хуқуки учун ўрнатилган тартибда аттестациядан ўтган техник эксперталар ва халқаро эксперталар киритилиши мумкин.

17. Эксперталар, техник эксперталар ва халқаро баҳоловчилар хизматига ҳақ тўлаш тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказишидан келиб тушган маблағлар ҳисобидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

18. Аккредитация обьекти жойнинг ўзида ташқи комплекс баҳолаш ўтказиш учун шарт-шароитларни таъминлайди, шу жумладан, эксперт гурухига зарур маълумот, ёзувлар ва ҳужжатлардан (шу жумладан, ички аудит натижаларидан) фойдаланиш, биноларга кириш имкониятини яратади.

19. Жойнинг ўзида ташқи комплекс баҳолашни ўтказиш учун шарт-шароитлар таъминланмаган тақдирда, эксперт комиссияси раҳбари аккредитацияловчи органга тегишли мазмундаги билдиргини тақдим этади, унинг асосида аккредитацияловчи орган жойнинг ўзида ташқи комплекс баҳолаш ишларини бир ойдан ошмаган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қиласи.

Аккредитация обьекти кўрсатилган муддатда жойнинг ўзида баҳолаш ўтказиш учун шарт-шароит яратиб бермаса, аккредитациядан ўтказишига берилган ариза бекор қилинади.

20. Тиббиёт ташкилотларининг аккредитация стандартларига мувофиқлиги бўйича ташки комплекс баҳолаш экспертнинг жойга чиқсан ҳолда ушбу Регламентга 4-иловага мувофиқ шаклда баҳолаш варақаларини тўлдиришдан иборат бўлиб, қуидаги принципларда амалга оширилади:

- стандарт талабларга мувофиқ;
- стандарт талабларга номувофиқ;
- “қўллаб бўлмайди”.

21. Аккредитация стандартларининг бажарилиши эксперт гурухи томонидан:

- хужжатларни кўриб чиқиш;
- кузатув;
- ходимлар ўртасида сўров ўтказиш;
- трейсерлар асосида баҳоланади.

22. Хужжатларни кўриб чиқиши эксперталар учун ажратилган маҳсус хонада, хужжатлар бўйича саволларга жавоб ёки изоҳ бериш мақсадида тиббиёт ташкилотининг бир ёки бир неча ходимлари иштирокида ўтказилади. Тақдим этилган хужжатлар асосида эксперт гурухи етарли бўлмаган маълумотларни аниқлайди ҳамда якуний баҳолашга эришиш учун ходимлар ўртасида сўров ўтказиш ва (ёки) кузатув орқали етишмаётган маълумотларни тўлдиради.

23. Кузатувда эксперталар томонидан хужжатларни кўриб чиқиш ва (ёки) ходимлар ўртасида сўров ўтказишда олинган маълумотларнинг аниқлиги ўрганилади.

24. Ходимлар сўрови тиббиёт ва техник ходимларни ўз функционал вазифаларини қанчалик бажараётгани ва ихтисослиги бўйича тегишли стандартларга риоя этаётганини сўраш усулида олиб борилади.

Ходимлар сўрови, шунингдек, тиббиёт ташкилоти раҳбариятидан сўров ўтказиши ҳам ўз ичига олади. Эксперталар тиббиёт ташкилотининг раҳбари ва (ёки) унинг ўринбосарини сўровдан ўтказади. Тиббиёт ташкилоти раҳбари сўровдан ўтказиш тиббиёт ташкилотининг умумий фаолиятини ташкил этиш, шунинигдек, зарурат бўлганда, аккредитация стандартлари талабларига мувофиқлик масалаларини ўз ичига олади.

Эксперт гурухи аъзолари хужжатларни кўриб чиқишида олинган маълумотларни тасдиқлаш ёки уларга аниқлик киритиш мақсадида тиббиёт ташкилотининг фаолият йўналишидан келиб чиқиб ходимлар сўровини ўтказишади.

25. Уч турдаги трейсерлар кўлланилади:

- якка тартибда;
- тизимли;
- ихтисослик бўйича.

26. Битта трейсер бир соатдан уч соатгача давом этади.

Трейсер усули билан кузатув олиб бориладиган беморларнинг сони тиббиёт ташкилотининг тури ва қуввати, кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг тури ва ҳажми, шунингдек, аккредитация баҳолашининг давомийлигига боғлиқ бўлади.

27. Якка тартибдаги трейсер давомида муайян беморни даволаш ва парваришилашнинг барча босқичлари тиббий хужжатларни ўрганиш ҳамда уни парваришилашга жалб қилинган тиббиёт ташкилоти ходимларидан сўраш орқали кузатилади. Эксперт баҳолаш учун беморни мақсадли танлаш усули (энг мураккаб ёки энг атипик ҳолат) асосида танлаб олади ва унинг тиббий харитаси тиббиёт ташкилотида кўрсатилаётган хизматларни кузатиш учун асос бўлади. Беморга тиббий ёрдам кўрсатишда у иширок этган барча даволаш, ташҳис қўйиш жараёнлари ва тиббий бўлмаган жараёнлар баҳоланади, яъни баҳолаш беморнинг “йўналиши” бўйича олиб борилади. Ташқи комплекс баҳолашни ўтказиш давомида эксперт гуруҳи беморнинг камида учта якка тартибдаги трейсерини олиб боради.

Тизимли трейсерда аккредитация стандартига мувофиқ инфекция назорати, мутахассислар малакаси, дори воситалари билан ишлаш, жиҳозланганлик даражаси, сифат бошқаруви ва бино хавфсизлиги тизимларининг барча босқичлари текширилади.

Тизимли трейсер усулида ахборот тўплаш ва ташкил этишни баҳолаш ходимлардан сўраш, шахсий кузатув, беморлар хужжатлари ва (ёки) тиббий хариталарини ўрганишни ўз ичига олади.

Ихтисослик бўйича трейсер давомида аккредитация соҳаси доирасида ташҳис қўйиш ва даволаш стандартларига риоя этилиши баҳоланади. Шунингдек, ушбу трейсер тури эксперталар томонидан баҳоланаётган тиббиёт ташкилотининг ноёб тавсифлари ва долзарб масалаларини таҳлил қилиш учун ҳам қўлланилади. Ихтисослик бўйича трейсернинг мақсади кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг турли босқичларида бемор хавфсизлиги муаммоларини аниқлашдан иборат.

28. Тиббиёт ташкилоти фаолиятининг ўзига хослиги боис стандартнинг алоҳида мезонини баҳолаш учун қўллаб бўлмаган тақдирда баҳолаш варақасининг тегишли устунига “стандарт мезонини мазкур ташкилот учун қўллаб бўлмайди” деган ёзув киртилади. Стандарт бўйича ўртача баҳони ҳисоблашда ушбу мезон инобатга олинмайди.

29. Ташқи комплекс баҳолаш тугагандан сўнг тиббиёт ташкилотининг ходимлари иштироқида якуний йиғилиш ўтказилади, унда эксперт гуруҳи ташқи комплекс баҳолаш натижалари бўйича дастлабки ҳисботни тақдим этади.

30. Ташқи комплекс баҳолаш якунлангандан сўнг маълумотлар экспертлар томонидан тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимига тиббиёт ташкилотининг бошқа манзилда жойлашган ҳар бир таркибий бўлинмаси, шу жумладан, филиаллари бўйича алоҳида-алоҳида киритилади.

Маълумотлар тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимига киритилгандан кейин эксперт гуруҳи аъзолари стандартлар бўлимлари (блоклари) бўйича тўлдирилган баҳолаш варақаларини эксперт гуруҳининг раҳбарига топширадилар.

31. Олиб борилган ташқи комплекс баҳолаш натижалари бўйича аккредитация стандартлари талабларига номувофиқликлар аниқланганда, экспертлар грухси аккредитация обьектига уларни бартараф этиш учун уч ойгача муддат беради.

Тиббиёт ташкилоти ушбу Регламентга 6-иловага мувофиқ шаклда аниқланган номувофиқликларни бартараф этиш чора-тадбирлари режасини тузади.

Белгиланган муддатларда номувофиқликлар бартараф этилгандан сўнг тиббиёт ташкилоти эксперт грухига улар бартараф этилганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этади, унга мувофиқ эксперт баҳолаш варақасини тўлдиради ва маълумотларни тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимиға киритади.

32. Аккредитация обьектини ташқи комплекс баҳолашни ўтказиш муддати беш иш кунидан ошмаслиги керак.

33. Эксперт грухининг раҳбари икки иш куни ичида баҳолаш натижалари асосида тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимида шаклланган йиғма ҳисоботни ушбу Регламент 5-иловага мувофиқ ишчи органга юборади.

34. Ишчи орган икки иш куни ичида Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП портал орқали аккредитация обьектини ташқи комплекс баҳолашни ўтказиш учун тўлиқ тўловни амалга ошириш кераклиги ҳақида хабардор қиласи.

35. Баҳолаш давомида олинган тиббиёт ташкилоти фаолияти, беморлар ва ходимлар ҳақидаги маълумотларни бошқа шахсга беришга (шу жумладан, стандартлар бўлимлари (блоки) бўйича ахборотларни тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизими га киритиш ҳуқуқини беришга) йўл қўйилмайди.

36. Ишчи орган ариза берувчи ташқи комплекс баҳолаш учун тўловни тўлиқ амалга оширгандан сўнг икки иш куни ичида унинг натижаларини Комиссия йиғилишига киритади. Комиссия йиғилишининг якунига кўра аккредитацияловчи орган аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани бериш ёки уни беришни рад этиш ҳақидаги қарорни тасдиқлади.

37. Аккредитация гувоҳномасини бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинган тақдирда тиббиёт ташкилотига аккредитация стандартларига мувофиқлиги даражасига қараб куйидаги тоифалар берилиши мумкин:

иккинчи аккредитация тоифаси – стандартларга мувофиқлиги камидা 75 фоиз бўлганда;

биринчи аккредитация тоифаси – стандартларга мувофиқлиги камидা 85 фоиз бўлганда;

олий аккредитация тоифаси – стандартларга мувофиқлиги камидা 95 фоиз бўлганда.

Аккредитация стандартларига мувофиқлик даражаси қўлланилган аккредитация стандартлари умумий талаблари сонининг мувофиқ бўлган улушкига нисбати билан белгиланади.

38. Куйидагилар аккредитацияни рад этиш тұғрисида қарор қабул қилиш учун асос ҳисобланади:

аккредитация объекті у баҳоланаётганды зарур маълумотларни тақдим этишиңи рад этиши;

аккредитация объекті томонидан күрсатылған маълумотларда ишончсиз ёки ёлғон маълумотлар мавжудлиги;

аккредитация объектининг аккредитация талаблари ва шартларига номувофиқлиги;

аниқланған номувофиқликтарни белгиланған муддатларда бартараф этмаслик;

ташқи комплекс баҳолаш натижаси аккредитациянинг иккінчи тоифаси учун белгиланған әнг паст чегара даражасидан пастлиги;

тиббий фаолиятни тақиқлаш ҳақида қонуний күчга кирған суд қарори (хукми)нинг мавжудлиги;

томонлар ўртасида тузилған шартномаларда назарда тутилған тұловларнинг ариза берувчи томонидан амалга оширилмаганлиги.

Аkkредитацияни бошқа асослар, шу жумладан мақсадға мувофиқсизлик сабаблари билан рад этиш бүйича қарор қабул қилишга йўл қўйилмайди.

39. Ишчи орган икки иш куни давомида аккредитация объектини Комиссиянинг аккредитация гувоҳномасини бериш тұғрисидаги қарори ҳақида хабардор этади ҳамда инспекция назорати тұлови бүйича аккредитацияловчи орган ва тибиёт ташкилоти ўртасида тузиладиган электрон шартномани Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали юборади.

40. Инспекция назоратини ўтказиш бүйича шартнома тузилгандан сўнг ишчи орган томонидан икки иш куни ичиде аккредитация объектига Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали ушбу Регламентга 7-иловага мувофиқ электрон шаклда аккредитация тұғрисидаги гувоҳнома юборилади.

41. Аkkредитация тұғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати аккредитациялаш ҳақида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан беш йилни ташкил қиласди.

42. Аkkредитациядан ўтказиш муддати аккредитациядан ўтиш ҳақидаги ариза рўйхатга олинган пайтдан бошлаб аккредитация тұғрисидаги гувоҳнома берилгунга қадар номувофиқликтарни бартараф этиш учун ариза берувчига белгиланған вақт ҳисобга олинмаган холда қирқ беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатни ташкил этади.

43. Комиссиянинг салбий қарори қабул қилинганда, ишчи орган рад этиш сабабларини кўрсатған ҳолда ариза берувчини Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали хабардор этади.

44. Аkkредитация объекти Комиссиянинг аккредитациядан ўтказишни рад этиш тұғрисидаги қарори бүйича аккредитацияловчи орган хузуридаги апелляция комиссиясига ёки белгиланған тартибда судга мурожаат қилиши мумкин.

#### **4-боб. Тиббиёт ташкилотларининг аккредитация соҳасини кенгайтириш ва қисқартириш**

45. Аккредитация соҳасини кенгайтириш аккредитация обьектининг аризаси асосида аккредитация соҳасининг кенгайтирилаётган қисми бўйича тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш тартибида амалга оширилади.

46. Аккредитация обьектининг аккредитация соҳаси Комиссиянинг қарори билан куйидаги асослар бўлганда қисқартирилади:

аккредитация соҳасини қисқартириш тўғрисида аккредитация обьектининг аризаси;

аккредитация обьекти фаолиятининг инспекция назорати натижаларига кўра.

47. Аккредитация соҳаси қисқартирилса, ишчи орган томонидан тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Аккредитация соҳасини қисқартириш учун ҳақ олинмайди.

#### **5-боб. Инспекция назорати**

48. Инспекция назорати инспекция назорати тўғрисидаги шартнома асосида жойнинг ўзига бориб, ушбу Регламентга 8-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Биринчи инспекция назорати аккредитация санасидан кейин олти ойдан кечикмай ўтказилади. Кейинги инспекция назорати ҳар йили аккредитацияловчи орган раҳбари томонидан тасдиқланадиган инспекция назорати бўйича даврий равища режа-жадвалига мувофиқ, бироқ йилда камида бир марта ўтказилади.

49. Аккредитация обьекти фаолиятининг режадан ташқари инспекция назорати аккредитацияловчи органга аккредитация талаблари ва шартлари бузилганлигини ҳужжатлар билан тасдиқловчи далиллари бўлган ёзма мурожаат келиб тушганда ўтказилади.

50. Инспекция назорати ташқи комплекс баҳолашни амалга ошириш тартибида ўтказилади.

#### **6-боб. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳоманинг амал қилишини тўхтатиб туриш (тиклаш)**

51. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши куйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

аккредитация обьекти аккредитация тўғрисидаги гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш бўйича ариза билан мурожаат қилганда;

инспекция назорати вақтида аккредитация талаблари ва шартлари бузилиши аниқланганда;

аккредитация обьекти инспекция назорати бўйича шартнома қоидаларига риоя қилмаганда.

тиббий фаолиятга берилган лицензиянинг амал қилиши тўхтатилганда.

52. Ушбу Регламентнинг 51-банди учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда аккредитацияловчи орган томонидан Комиссия қарорига мувофиқ аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши олти ой муддатга тўхтатилади.

Ушбу Регламент 51-бандининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолда аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш аккредитацияловчи орган томонидан амалга оширилади.

Аkkредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги маълумот қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунидан кечикмай, тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимига киритилади ва аккредитация обьектига ёзма равишда хабар юборилади.

Аkkредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш Комиссияси қарорининг тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимига киритилган санадан бошланади.

53. Ушбу Регламентнинг 51-банди учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда аккредитация обьекти мавжуд номувофиқликларни бартараф этиш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқади ва аккредитацияловчи органга тақдим этади. Бунда номувофиқликларни бартараф этиш муддати аккредитацияловчи орган томонидан Комиссия қарорига асосан белгиланган муддатдан ошмаслиги керак.

54. Akkreditatsiya ob'ekti tomonidan belgilanган muddatda ҳaракatlardar режаси бажарилганини ҳaқидagi маъlumot ҳamda nomovofigliklar bartaraf etilganligini tasdiqlovchi xujjatlar taqdim etilmaganda, ekspert guruhni raҳbari akkreditatsiyalovchi organga akkreditatsiya t'ugrisidagi guvoxnomanining amal qiliшини tugatiш t'ugrisida bildirgi taqdim etadi.

55. Номувофиқликлар бартараф этилганлиги ҳолатларини ўрганиш, ташки комплексларни ўтказиш тартибида амалга оширилади.

56. Xisobot taqdim etilgandan sўng ischi organ tegishli қарорни қабул қилиш учун беш иш куни ичida uning Komissiya mажlisida kуrib chiқiliшини таъминлайди.

57. Komissiya қарори у қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечикмай akkreditatsiyalovchi organ tomonidan akkreditatsiya ob'ektiiga etkaziladi.

58. Akkreditatsiya t'ugrisidagi guvoxnomanining amal qiliшини t'uxtatiб туриш ва tiklash t'ugrisidagi maъlumotlar akkreditatsiya soҳasidagi tegishli давлат реестрларига ва тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимига киритилиши лозим.

## **7-боб. Akkreditatsiya t'ugrisidagi guvoxnomanining amal qiliшини tugatiш**

59. Akkreditatsiya t'ugrisidagi guvoxnomanining amal қилиши kуйидagi ҳолларда tugatiлиши mumkin:

аккредитация объектиning аккредитация тұғрисидаги гувоҳномасининг амал қилишини тугатиш тұғрисидаги аризасига биноан;

юридик шахс (аккредитация объекті) тугатилганда;

аккредитация объектиning гувоҳнома амал қилишини тұхтатиб туришига сабаб бўлган ҳолатларни аккредитацияловчи орган белгиланган муддатда бартараф этмаганда;

аккредитация соҳаси бузилганда;

гувоҳнома соҳта хужжатлар ва маълумотлардан фойдаланган ҳолда олинганилиги аниқланганда;

тиббий фаолият билан шуғулланишга берилган лицензиянинг амал қилиши тұхтатилганда.

60. Аккредитация тұғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш Комиссиянинг қарорига кўра аккредитацияловчи орган томонидан амалга оширилади.

Аккредитация тұғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилганлиги тұғрисидаги маълумот қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунидан кечикмай тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимиға киритилади ва аккредитация объектига ёзма равишида хабар юборилади.

Аккредитация тұғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши Комиссия қарори тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимиға киритилган санадан бошлаб тугатилади.

Аккредитация тұғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилгандан кейин аккредитация учун такрорий ариза ушбу Регламент 59-бандининг тўртинчи – еттинчи хатбошиларига мувофиқ камида олти ойдан кейин берилиши мумкин.

## **8-боб. Аккредитация тұғрисидаги гувоҳномани қайта расмийлаштириш**

61. Аккредитация объектиning номи, юридик (почта) манзили ёки ташкилий-хукуқий шакли ўзгарган тақдирда, у йигирма иш куни мобайнида мазкур ўзгаришлар ҳақида олдин берилган (амалдаги) аккредитация тұғрисидаги гувоҳноманинг реквизитларини кўрсатиб, уни қайта расмийлаштириш учун аккредитацияловчи органни ёзма равишида хабардор этиши шарт.

62. Аккредитацияловчи орган номи, юридик (почта) манзили ёки ташкилий-хукуқий шакли ўзгарғанлигини тасдиқловчи хужжат ва ариза берилган кундан бошлаб беш иш куни давомида аккредитация тұғрисидаги гувоҳномани қайта расмийлаштиради ҳамда тегишли маълумотларни аккредитациядан ўтган тиббиёт ташкилотлари тұғрисидаги маълумотлар банкига киритади.

## **9-боб. Аккредитацияловчи органнинг аккредитация соҳасидаги хизматларига ҳақ тўлаш тартиби**

63. Аккредитацияловчи орган томонидан аккредитация соҳасидаги қўйидаги хизматлар учун ҳақ ундирилади:

аризани кўриб чиқиш учун;

ўзини ўзи баҳолаш натижалари ва хужжатлар экспертизасини ўтказиш учун;

аккредитация объектини ташқи комплекс баҳолаш учун;

тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ аккредитация объектида ўтказилган инспекция назорати учун.

Аккредитацияловчи органнинг аккредитация соҳасидаги хизматларига ҳақ тўлаш уларнинг натижаларидан қатъи назар, аккредитация объектлари томонидан амалга оширилади.

64. Аризани кўриб чиқиш учун олинган сумма қўйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат қилинган тақдирда:

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобрақамига;

қолган маблағлар ваколатли органнинг маҳсус банк ҳисобрақамига.

б) ЯИДХП орқали мурожаат қилинган тақдирда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисоб рақамига ўтказилади;

11,25 фоизи – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маҳсус ҳисобрақамига;

қолган маблағлар ваколатли органнинг маҳсус банк ҳисобрақамига ўтказилади.

65. Аккредитацияловчи орган томонидан аккредитация соҳасидаги қўйидаги хизмат турлари учун ҳақ ундирилмайди:

олдин берилган (амалдаги) аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани қайта расмийлаштириш;

аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш (тиклаш) ва тугатиш;

аккредитация соҳасини қисқартириш;

аккредитация объекти фаолиятининг режадан ташқари инспекция назоратини амалга ошириш учун.

## 10-боб. Апелляцияларни кўриб чиқиш

66. Аккредитация ёки инспекция назорати натижалари бўйича Комиссиянинг салбий қарори чиқарилган аккредитация обьекти Комиссиянинг қарорини олган санадан бошлаб ўн календарь куни мобайнида аккредитацияловчи органга ёзма шаклда апелляция бериш хукуқига эга.

Апелляция комиссиясининг қарори қабул қилинган санадан сўнг ўн календарь кунидан ортиқ муддатда берилган апелляциялар кўриб чиқилмайди.

67. Апелляция комиссияси ҳар бир аниқ апелляцияни кўриб чиқиш учун заруратга қараб шакллантирилади. Апелляция комиссияси таркиби аккредитацияловчи орган раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади.

Апелляция комиссияси таркибини шакиллантириш ва тасдиқлаш муддатлари апелляция олинган кундан бошлаб уч кундан ортиқ бўлмаслиги керак.

68. Апелляция комиссиясининг таркиби апелляция берган аккредитация обьектини баҳолашда иштирок этмаган ва аккредитация комиссияси таркибида бўлмаган аккредитацияловчи орган вакиллари, эксперталар ва техник эксперталар, шу жумладан, халқаро эксперталар орасидан шакллантирилади. Бунда комиссия аъзоларининг сони уч кишидан кам бўлмаслиги керак.

69. Аккредитацияловчи орган апелляция берган аккредитация обьектини ҳамда эксперт гурухи раҳбарини апелляция кўриб чиқиладиган сана ҳақида хабардор қиласи. Апелляция берган аккредитация обьекти вакили ҳамда эксперт гурухи раҳбари апелляцияни кўриб чиқишида иштирок этиши мумкин.

70. Апелляция комиссияси берилган апелляцияни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисида аккредитация обьектини ёзма равишда хабардор этади. Апелляцияни кўриб чиқиш муддати у берилган санадан бошлаб ўн календарь кунидан ошмаслиги керак.

71. Апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича апелляция комиссияси қўйидаги қарорлардан бирини қабул қиласи:

аккредитация комиссиясининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш;

апелляцияни қаноатлантириш.

72. Аккредитация комиссиясининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор, агар:

апелляция ушбу Регламент талаблари бузилган ҳолда тақдим этилган бўлса;

апелляцияда келтирилган сабаблар тасдиқланмаса қабул қилинади.

73. Апелляцияни қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилинганда, аккредитацияловчи орган томонидан аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани бериш ёки аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилинади.

74. Аккредитацияловчи орган икки иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинган қарор тўғрисидаги хабарномани апелляция берган аккредитация обьектига ёзма шаклда юборади.

75. Айнан бир масала бўйича апелляцияни такроран беришга йўл қўйилмайди.


76. Апелляция комиссиясининг қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиш мумкин.

### **11-боб. Якунловчи қоида**

77. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш  
бўйича давлат хизматларини кўрсатишинг маъмурий  
регламентига  
1-илова

## Тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш СХЕМАСИ



уларга бириктирилган хужжатларнинг аккредитация стандартларига мувофиқлигини ва тўлиқлиқлигини ўрганади:


а) агар ўзини-ўзи баҳолаш натижалари ва уларга бириктирилган хужжатлар нусхалари изчил ва тўлиқ бўлса, Ишчи орган ўзини-ўзи баҳолаш ва хужжатларни текшириш натижаларини кўриб чиқиш учун хизмат нархини тўлиқ тўлаш зарурлиги тўғрисида Марказлар ёки Ягона портал орқали аккредитация объектини хабардор қиласди.

Ариза берувчи томонидан тўлов тўлиқ амалга оширилганидан сўнг мурожаат этувчига Марказлар ёки Ягона портал орқали ташқи комплекс баҳолашни ўтказиши учун хизмат умумий нархининг камида 15 фоизини олдиндан тўлаш шарти билан электрон шаклдаги шартномани юборади;

б) ариза берувчи томонидан тақдим этилган ўзини-ўзи баҳолаш натижалар тўлиқсиз ва номувофиқ бўлганда, ишчи орган ўзини-ўзи баҳолаш натижалари қайта кўриб чиқилгандан сўнг тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимига қайта киритилиши тўғрисида Марказлар ёки Ягона портал орқали мурожаат этувчини хабардор қиласди

в) қайта кўриб чиқилгандан сўнг ариза берувчи тўғриланган ва тўлдирилган маълумотларни тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимига киритади.

1 ой муддат ичида



|             |                                |   |                                  |
|-------------|--------------------------------|---|----------------------------------|
|             | Эксперт гурухи раҳбари         | <p>Маълумотлар тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимиға киритилганидан сўнг стандарт (блок)лар бўйича тўлдирилган баҳолаш ва раҳбарлари эксперт гурухи аъзолари томонидан эксперт гурухи раҳбарига топширилади.</p> <p>2. Агар ўтказилган ташқи комплекс баҳолаш натижалари бўйича аккредитация стандартлари талабларига номувофиқликлар аникланганда, аккредитация обьектига уларни бартараф этиш учун қўшимча муддат берилади.</p> <p>Ишчи органга баҳолаш натижалари бўйича тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимида шакллантирилган якуний ҳисоботни юборади.</p> | 3 ой муддат ичida<br>2 иш кунида |
| VII босқич  | Ишчи орган Аккредитация органи | <p>1. Аккредитация обьектини ташқи комплекс баҳолаш учун тўлиқ тўловни амалга ошириш зарурлиги тўғрисида Марказлар ёки Ягона портал орқали хабардор қиласи.</p> <p>2. Ташқи комплекс баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш учун Комиссия муҳокамасига киритади.</p> <p>Комиссия йиғилишидан сўнг аккредитацияловчи орган аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни тасдиқлайди.</p>  | 2 иш кунида<br>2 иш кунида       |
| VIII босқич | Ишчи орган                     | <p>1. Комиссиянинг аккредитация гувоҳномасини бериш тўғрисидаги қарори ҳақида аккредитация обьектини хабардор қиласи ва аккредитация органи билан тиббиёт ташкилоти ўргасидаги инспекция назоратини амалга ошириш бўйича шартномани Марказлар орқали ёки Ягона портал орқали электрон шаклда юборади.</p> <p>2. Инспекция назоратини амалга ошириш бўйича шартнома имзоланганидан сўнг, ишчи орган Низомга 7-иловага мувофиқ аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани Марказлар ёки Ягона портал орқали аккредитация обьектига электрон шаклда юборади.</p>                                     | 2 иш кунида<br>2 иш кунида       |

Тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш  
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг  
маъмурий регламентига  
2-илова

---

(санаси)

(рақам)

**АРИЗА**

**I. Ариза мазмуни:**

1. Аккредитацияни ўтказиш.
2. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш.
3. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани қайта расмийлаштириш (Ташкилотнинг номи, почта манзили, ташкилий-хукуқий шакли ўзгарган тақдирда).
4. Аккредитация соҳасини кенгайтириш.
5. Аккредитация соҳасини қисқартириш.
6. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш (тиклаш).
7. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш.

**II. Тиббиёт ташкилоти тўғрисида маълумот:**

1. Юридик шахс номи.
2. Юридик шахснинг ташкилий-хукуқий шакли.
3. Почта манзили.
4. Тиббий фаолият манзили.
5. Электрон почтаси.
6. Телефон рақами.
7. Банк муассасасининг номи.
8. Банкдаги хисобрақами.
9. Солиқ тўловчининг идентификация рақами (ИНН).

**III. Илова қилинадиган маълумотлар рўйхати:**

1. Тиббий фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензиянинг амал қилиш муддати: (бунда лицензиянинг амал қилиш муддати 1 йилдан кам бўлмаслиги керак).
2. Илгари берилган (амалда бўлган) аккредитация гувоҳномаси бўйича маълумотлар (узайтирилган, қайта расмийлаштирилган, кенгайтан, қисқартирган, тўхтатиб турилган, бекор қилган).
3. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани қайта расмийлаштириш учун асос бўладиган хужжатлар.
4. Аккредитация соҳаси.

Ариза берувчининг аккредитация қилувчи органнинг тиббий хизмат сифатини бошқариш ахборот тизимига ўзини-ўзи баҳолаш натижаларини киритишга розилиги, шунингдек, аккредитация талаблари ва шартларига мувофиқлиги. Юридик шахснинг электрон имзоси.

Тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш  
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурӣ  
регламентига  
3-илова

**Тиббиёт ташкилотини ташқи комплекс баҳолаш дастури**

|                                 |                             |  |  |                                |
|---------------------------------|-----------------------------|--|--|--------------------------------|
| Сана, вақт<br>___ дан ___ гача. | Амалга оширилган<br>чоралар | Эксперт фамилияси,<br>исми, отасининг исми | Тиббиёт ходимини жалб<br>қилиш (лавозими<br>кўрсатилади) | Талаб қилинадиган<br>хужжатлар |
|                                 |                             |  |  |                                |

Тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш  
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий  
регламентига  
4-илова

**Аkkreditasiya standartlariiga muvofigligini baҳolash vaрагi**

Тиббиёт ташкилотининг номи: \_\_\_\_\_

Почта ва тиббий фаолият манзили: \_\_\_\_\_

Баҳолашни ўтказиш вақти \_\_\_\_\_ дан \_\_\_\_\_ гача

Аkkreditasiya соҳаси \_\_\_\_\_

**Стандарт номи**

Стандарт бўлими \_\_\_\_\_

| T/p | Бандлари | Мувофик | Номувофик | Кўлланилмайди |
|-----|----------|---------|-----------|---------------|
| 1   |          |         |           |               |
| 2   |          |         |           |               |
| 3   |          |         |           |               |
| ... |          |         |           |               |

Баҳолашни ўтказиш натижаси фоизларда \_\_\_\_\_

Баҳоловчининг фамилияси ва исми \_\_\_\_\_

Имзо \_\_\_\_\_

Тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш  
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий  
регламентига  
5-илова

**Тиббиёт ташкилотини аккредитациядан ўтказиш хисоботи**

Тиббиёт ташкилотининг номи: \_\_\_\_\_

Аkkредитацияни ўтказиш оралиғи \_\_\_\_\_

Тиббиёт ташкилотининг манзили \_\_\_\_\_

Тиббиёт ташкилотининг раҳбари \_\_\_\_\_

Эксперт Ф.И.О. \_\_\_\_\_

Ташқи комплекс баҳолаш натижаси:

Хулоса: \_\_\_\_\_

Таклиф: \_\_\_\_\_

Эксперт гурӯҳи раҳбари Ф.И.О. ва имзоси \_\_\_\_\_

20 \_\_\_\_\_ йил “\_\_\_” “\_\_\_\_\_”

Тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш  
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий  
регламентига  
6-илова

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Тиббиёт ташкилоти раҳбари**

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

имзо

20\_\_ й. “\_\_\_”

**Ташқи комплекс баҳолашда аниқланган аккредитация стандартлари**  
**талабларига номувофиқликларни бартараф этиш**  
**ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ**

| T/p | Аkkредитация<br>стандартлари<br>талабларига<br>номувофиқликлар | Бартараф<br>этиш<br>чоралари | Реализация<br>қилиш<br>механизмлари | Масъул шахслар |
|-----|--|------------------------------|-------------------------------------|----------------|
| 1   |  |                              |                                     |                |
| 2   |  |                              |                                     |                |
| 3   |  |                              |                                     |                |
| ... |  |                              |                                     |                |

Тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш  
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий  
регламентига  
7-илова

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

**Аkkreditatsiya guvoxnomasi**

жойлашган  
(тиббиёт ташкилотининг почта манзили)

(тиббиёт ташкилотининг номи)

ташқи комплекс баҳолаш натижалари ҳамда Аккредитация комиссиясининг  
20 \_\_\_\_ йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ қарори билан \_\_\_\_\_ тоифасини  
бериш билан 5 йил муддатга аккредитациядан ўтган деб тан олинади.

Ушбу гувохнома тиббиёт ташкилотининг фаолияти Ўзбекистон  
Республикаси Соғлиқни сақлаш соҳасидаги аккредитация стандартларига  
мувофиқликни тасдиқлайди

Рахбар \_\_\_\_\_

Гувохномани бериш санаси 20 \_\_\_\_ “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_

Регистрация рақами № \_\_\_\_\_ .

QR – код

Тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш  
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурӣ  
регламентига  
8-илова

**Инспекция назоратини амалга ошириш  
СХЕМАСИ**

